
НАФОСАТ ВА ГЎЗАЛЛИК БАЙРАМИ!

Одатда аёлни баҳорга, баҳорни эса аёлга қиёслашади. Зотан ўлкамиз узра муаттар сепини ёя бошлаган баҳорнинг илк кунлари айнан хотин-қизлар байрами билан бошланиши ҳам рамзий маъно касб этади. Аёли бор оила қут-баракали, файзли ва тароватли бўлади. Юртимиз ҳам, жамиятимиз ҳам аёл билан гўзалдир.

Баҳорнинг илк кунларидан туманимизнинг қайси маҳалласи ва кўчасига кирсангиз байрам шодиёналари давом этмоқда. Жорий йилнинг 7 март куни туманимизнинг муҳташам қошоналаридан бири “Ўзбегим” тўйхонасида туманимизда узоқ йиллар меҳнат қилган фахрий онахонларимиз, турли соҳаларда бугунги кунда самарали меҳнат қилиб келаётган хотин-қизларимиз ва фаол аёлларимиз учун байрам дастурхони ёзилди. Байрам тадбирида Қува туман ҳокими Халимжон Умаров ҳамда сектор раҳбарлари иштирок этиб “8-март-Халқаро хотин-қизлар куни” билан йиғилганларни муборакбод этиб уларнинг тимсолида туманимиздаги барча хотин қизларни байрам билан табриклади ва чуқур ҳурмат-эҳтиром ҳамда эзгу тилакларни билдирдилар. Йиғилганларга туман ҳокимлигининг байрам совғалари топширилди.

Тадбир куй-қўшиқларга уланиб кетти. Туманимизнинг ҳушовоз ҳонандалари ва маҳоратли раққосалари томонидан тақдим этилган куй-қўшиқ ва рақслар йиғилганларни мамнун этди.

2022-03-08 00:30:02